

## **ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МАЪНАВИЙ ВА СИЁСИЙ ТАҲДИДЛАР**

**Муҳаммадолим Муҳаммадсидиқов**  
Сиёсий фанлар доктори, профессор

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада жамият барқарорлигига тўсиқ бўлувчи омиллар ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги таҳлиллар етарлича ёритиб берилди. Бугунги куннинг Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.*

***Калим сўзлар:** ижтимоий-сиёсий жараён, миссионерлик, хавфсизлик, прозелитизм, заразли мақсадлар, глобаллашув, динлараро зиддиятлар, жамият, сепаратизм.*

## **МОРАЛЬНЫЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СТАБИЛЬНОСТЬ ОБЩЕСТВА**

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье представлен адекватный анализ факторов, препятствующих стабильности общества, и их характеристики. В условиях современной глобализации обеспечение общественной безопасности и стабильности страны является актуальным вопросом сегодняшнего дня.*

***Ключевые слова:** общественно-политический процесс, миссионерство, безопасность, прозелитизм, корыстные цели, глобализация, межконфессиональные конфликты, общество, сепаратизм.*

## **MORAL AND POLITICAL THREATS AFFECTING THE STABILITY OF SOCIETY**

### **ABSTRACT**

*This article provides an adequate analysis of the factors that hinder the stability of society and their characteristics. In today's globalization, ensuring public safety and the stability of the country is a pressing issue of today.*

***Keywords:** socio-political process, missionary work, security, proselytism, selfish goals, globalization, interfaith conflicts, society, separatism.*

## КИРИШ

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Бундай дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг кучайиши натижасида авж олиб бораётган маънавий ҳуружлар, ёт ғоя ва мафкуралар таъсирида инсон қалби ва онгини забт этишга ҳаракат тобора кучайиб бормоқда. Шу нуқтаи-назардан қараганда, миссионерлик ҳаракати глобаллашув жараёнининг энг мураккаб муаммолари қаторида ўзига хос ижтимоий-сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса замонавий миссионерликни белгиланган мақсадлари асл моҳиятини сиёсатшунослик фанлари нуқтаи назаридан асослаб беришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг бош мақсади ҳар қандай халқ, миллат ёки элатнинг сиёсий барқарорлигига ўз таъсирини ўтказиш, экстремистик ҳаракатларни авж олишига қаратилган бузғунчи ғояларни тарғиб этишда асосий омил вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун ҳам мазкур ҳаракатларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Айниқса бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари геосиёсий кучлар кўмагида тобора хавfli маънавий-мафкуравий қурол сифатида, ўзга дин вакиллари эътиқодига раҳна солаётганлиги кенг жамоатчиликни ташвишли бир ҳолатга солиб кўймоқда. Бу ҳақида АҚШлик тадқиқотчи Самюэль Хантингтон ҳам ўзининг “Цивилизациялар тўқнашуви” асарида бутун инсониятни оғоҳлантириб, “Турли хил динларга эътиқод қилувчи ривожланган давлатлар тўқнашади”<sup>1</sup> –дея, таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, айрим минтақаларда турли хил динларга эътиқод қилувчи халқлар орасида ижтимоий-сиёсий кучлар ўзларининг геосиёсий мақсадларини кўзлаб, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаришда диндан хусусан, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларидан фойдаланишаётганлиги бежиз эмас. Чунки бир тилда сўзлашувчи, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга эътиқод қилувчи миллатларда диний муаммолар туфайли келиб чиқаётган низоли вазиятлар фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратади. Турли даражадаги диний адоват ва тўқнашувлар оқибатида келиб чиқаётган урушлар натижасида эса ҳар қандай давлат ўз тараққиётида анча орқада қолиб кетади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, диний таълимотлар жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутиб, инсонни бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, аксарият сиёсий

<sup>1</sup> Қаранг: Хантингтон Самюэль. Столкновение цивилизаций. пер. с англ. - М.: АСТ, 2014. - 571 с.

кучлар ўзларини ғаразли мақсадларини амалга оширишда бевосита диндан фойдланишмоқда. Айниқса, дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларга асосий таъсир воситаси сифатида мафкуравий суқулиб кириш, ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш, бевосита миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали амалга оширилмоқда.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида фаолият кўрсатади. Ўз навбатида, ушбу ҳолат миллий, диний, ирқий низоларнинг келтириб чиқариш оқибатида давлатлараро барқарорликни издан чиқариш учун замин яратади. Тарихий ракурс нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари инсоният тарихида доимо ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқарганлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, миссионерлик ва прозелитизм замирида миллий, диний адоватлар кўзғатиш оқибатида жамият хавфсизлиги ва мамлакат сиёсий барқарорлигига таҳдид солиш каби ҳолатлар устувор аҳамият касб этади.

Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларининг бирдамлигини таъминлашда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, бир ғоя атрофида бирлашиш тамойилига амал қилинмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган”<sup>2</sup>. Бинобарин, халқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланмиш эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга хос менталитетини асосини ташкил этади.

Бугунги кунга келиб миссионерлик ва прозелитизм геосиёсат назариясига кўра экспанциянинг бир тури сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, XXI асрга келиб мафкура полигонларида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари тобора кучаймоқда. Мазкур ҳаракатларни олдини олиш ва бартараф этиш дунё миқёсидаги долзарб муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бинобарин, глобаллашув шароитида ғоявий мафкуравий курашнинг кучайиши дунё жамоатчилиги онги, руҳияти ва маънавиятига жиддий таъсир ўтказмоқда.

<sup>2</sup> Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи.

<http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>

Чунки, ҳар қандай миллат ёки халқнинг ўтмиши, тарихий қадриятлари, бугунги ҳаёти ва келажакдаги тақдирини белгилашда маънавият асосий омил вазифасини ўтайди.

Ҳозирда дунё миқёсида маънавий ва сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали айрим давлатлар ўз “маданияти ва динини” сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз навбатида, миссионерлик ва прозелитизм геосиёсий кучлар кўмагида хавфли курул сифатида, ўзга дин вакиллари эътиқодига раҳна солишга замин яратмоқда. Бинобарин, айрим минтақаларда турли хил динларга эътиқод қилувчи халқлар орасида ижтимоий-сиёсий кучлар ўзларининг геосиёсий мақсадларини кўзлаб, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаришда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларидан бевосита фойдаланишмоқда. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг сиёсий-функционал таҳлилига алоҳида эътибор қаратсак. Миссионерлик диний ташкилотнинг ғайридинлар орасида диний ақидаларни ҳамда ибодатларни тарғиб этишга йўналтирган ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир. Миссионер ушбу ҳаракатларни амалга оширувчи шахсдир.

Миссионерлар ўз фаолиятини аввало, ўз динини ўзга дин вакиллари орасида тарғибот ва ташвиқот қилувчи шахслар сифатида намоён бўлмоқда. Миссионерлар инсонларни ўзининг динига жалб этиш орқали ўз черковларида тарғибот ишларини янада кучлироқ давом эттиришга алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, тажрибали миссионерлар муайян мамлакатдаги аҳолининг тили, дини, маданияти ҳамда қадриятларини пухта ўрганиш орқали керакли вазиятда ўта сезгир бўлишга интилишади. Ўз навбатида, миссионерлар турли тоифадаги инсонлар орасида ўзларини ўта хушёр тутишга алоҳида эътибор қаратади.

Миссионерлик методикаси замирига эътибор қаратилса, пухта ўйланган режалар асосида, гўёки ўз фаолиятини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланишини англаш лозим. Мазкур ҳаракатлар стратегиясида муайян мамлакатларда “очарчилик, қашшоқлик”, “инсон ҳуқуқларини поймол этилиши”, “миллий низоларни бартараф этиш”, “гуманитар ҳалокатни олдини олиш” ниқоби остидаги амалга оширилаётган мақсадли фаолиятни англаш лозим. Айниқса, миссионерлар ўз фаолияти жараёнида мазкур вазиятдан фойдаланган ҳолда муайян ҳудуддаги аҳолини ўзининг сохта динларига ўтказишга ҳаракат қилишади. Зеро, миссионерлик ташкилотлари “беғараз” ёрдам кўрсатиш ниқоби остида ўзга мамлакатларга суқилиб кириш орқали давлатларнинг ички ишларига бевосита аралашувини англаш лозим.

Миссионер фаолияти давомида юзлаб инсонларни ўз динига жалб этса, унинг таркибий қисми прозелит эса қисқа давр мобайнида кўплаб инсонларни ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга мажбур қилади. Ўтмишдан маълумки, прозелитизм билан шуғилланувчи шахсларга нисбатан доимо нафрат билан қаралган. Хусусан, прозелитизм таъсирида инсонлар ўзларининг аждодлари эътиқод қилган азалий динларидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишган. Прозелитизм замирига эътибор қаратилса, мазкур ҳаракат тарафдорлари ўз мақсадига эришиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланади. Айниқса, ушбу ҳаракат қатнашчилари ОАВ орқали жамоат жойларида: концерт заллари ва стадионларда тадбирлар уюштириб, диний адабиётларини тарқатиш орқали ўзларининг динини тарғибот ва ташвиқот қилишга алоҳида эътибор қаратади. Миссионерликнинг бундай сиёсий мазмундаги ҳаракатлари аксарият ҳолларда тажовузкор кўринишда намоён бўлмоқда. Ўз навбатида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари, аввало, у жамият ҳаётининг барча жабҳаларини издан чиқариши, давлат бошқарувида тартибсизлик ва парокандалакни вужудга келтириши, мамлакатда бир-бирига қарама-қарши гуруҳларни шакллантириш орқали, миллатлараро, динлараро зиддиятларни тўғдириб, давлат миқёсида айирмачиликни келтириб чиқараётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Мазкур ҳолат, аввало, мамлакат миқёсида барқарор ижтимоий вазиятни чигаллаштиришга, давлат бошқарувида ҳам жиддий муаммоларни келиб чиқишига бевосита сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кундаги миссионерлик ўз моҳиятига кўра, бирон-бир диндаги кишилар томонидан ўз динларини улуғлаш орқали диний қадриятларини устун қилиб кўрсатиши натижасида бошқа диндагиларни ўз динига ўтказиш ўтиш учун даъват ва тарғибот қилиш жараёнини англаб, прозелитизм эса бошқа диндаги фуқарони динидан чиқариб, ўз динига жалб этиш тушунилади. Натижада, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари христианликнинг католик, проваслав, ва протестант йўналишлари ўртасидаги рақобатни вужудга келтирмоқда. Бу ҳақда Россиядаги “Rodonej” газетасида проваслав муаллифи томонидан илгари сурилган фикрга кўра, проваслав черковлари ўз фаолиятини Римда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши таъкидланган. Проваслав пасторларининг фаол тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланиши миссионерликнинг келажаги сифатида диний мактабларда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг давомийлигини таъминлаш учун илоҳиёт таълимотини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишга урғу бериб ўтилган.

Бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатини яхши англаган айрим давлатлар ўз навбатида диний тарғиботларни ҳеч қандай афишаларсиз, бемалол ўз манфаатлари йўлида амалга ошириш мақсадида ўзларининг миссионерлик фаолиятларини керакли томонга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шунингдек, айрим ривожланган етакчи давлатларнинг миссионерлик ҳаракатидан кўзлаган асосий мақсади давлатнинг сиёсий режаларини амалга оширишда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати вакилларига асосий иттифоқдош ҳамкорлар сифатида фаолият олиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда айрим давлатлар муайян ҳудудда ўз таъсир доирасини кучайтириш мақсадида миссионерликни ҳимоя қилиш орқали ўзининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш намоён бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг салбий оқбатлари тўғрисида Кениянинг биринчи бош вазири Жомо Кенятта (1889-1978) томонидан билдирилган фикр ҳам эътиборга моликдир. Бу ҳақда, Жомо Кенятта “христианлик Африкага келганида африкаликларнинг ерлари, христианларнинг эса инжиллари бор эди. Христианлар бизга кўзларимизни юмиб дуо-ибодат қилишимиз кераклигини ўргатдилар. Кўзларимизни очганимизда улар бизнинг ерларимизни, биз эса уларнинг инжилларини олган эдик”<sup>3</sup>- дея таъкидлайди.

Патрик Джонстаун, Девид Баррет, кичик Джорж Отислар Ўрта Шарқ ва Осиёнинг Япониягача бўлган ҳудудларида христианликни тарғиб этишда бир қатор усул ва услубларни қўллашга бевосита эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар. Айниқса, Патрик Джонстаун ўзининг “Дунё операцияси” асарида мазкур ҳудудларда яшовчи аҳолининг диний қарашлари, турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миссионерликка таалуқли бўлган маълумотларни батафсил изоҳлаб ўтади. Унинг фикрича, миссионерликни дунё миқёсида кенг амалга оширишда аввало, истиқболли режалар сифатида ўқувчи ва талаба ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Хусусан, миссионерлик ташкилотлари бир қатор услубларни куллаш орқали турли ижтимоий муассасалар ниқоби остидаги фаолияти натижасида ишсизлар, талабалар, черковларга иш топиш, чет тилини мукамал ўрганиш мақсадида уларнинг таъсир доирасига тушаётганлиги ташвишлидир. Шу тариқа, аксарият ёшлар гўёки, ўзларини бахтини излаш мақсадида миссионерлик ташкилотларининг бевосита кўмаги асосида хорижга

<sup>3</sup>Гундуз Шиносий. Миссионерлик. Анқара. ТДВ. Нашриёти. 2007. – Б.100.

“мехмон”га чиқиш ёки малака ошириш учун черков ҳисобидан маълумот олиш, армия чақирувидан қочишга уриниши каби ҳолатлар миссионерлик тузоғига илинтирмоқда.

Ҳозирда миссионерликнинг сармарали фаолиятини катта нуфузга эга эканлигини нафақат сиёсат арбоблари, балки миссионерларнинг ўзлари ҳам ижобий эканлигини таъкидлашмоқда. Миссионерлар асосан, давлат ва жамият миқёсидаги энг муҳим жиҳатлар: таълим, тиббиёт, хайрия, ижтимоий муносабатларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Давлат мактаблари, жамоат ташкилотлари, касалхоналардаги фаолияти муҳим ўрин тутмоқда<sup>4</sup>. Бугунги кунда Протестантизм йўналиши асосида фаолият кўрсатаётган янги диний ташкилотлар миссионерлик ҳаракатини бутунжаҳон бирдамлиги сифатида келиб чиққанлигини эътироф этишмоқда. Айниқса, Протестант ташкилотлари интерконфессионализм принципини тез-тез ўртага ташлаш орқали барча оқим ва черковларни бирлаштириш ғоясини илгари сўрмоқда<sup>5</sup>. Мазкур ғоя 1933 йилда ўз тасдиғини топиб, ҳозирги вақтга қадар аҳамиятини йўқотмади. Бинобарин, Трансмиллий давлатни яратиш ғояси албатта давлатлар миқёсида трансконфессионализм бўлишини давом эттиради. Зеро, трансчегаралаш инсонларнинг эркин эътиқод ҳуқуқи ва эркинлигини чегаралайди. Ўз навбатида, мазкур омил трансдавлат ғояси ўзининг дунёқарашини бир томонга йўналтирилган ҳолда фуқароларни тўлиқ уларни танлаш ҳуқуқидан маҳрум этади. Айнан, мазкур қараш Рус тадқиқотчиси Николай Бердяев фикрларида ҳам ўз тасдиғини топади: “Интерконфессионализм ер юзида тан олинмиши мумкин. Интерконфессионистик христианлик бу христианликдан фарқ қилади. Бу ҳаёт реалликларига жавоб бера олмайди”<sup>6</sup>- дея, таъкидлаган эди.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларига нисбатан юртимиз ва хорижий тадқиқочиларнинг билдирган фикрларига кўра, мазкур ҳаракатлар бугунги кунда ўзида бўзғунчи ва ғаразли мақсадларни кўзлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Хусусан, глобаллашув шароитида ушбу ҳаракатлар натижасида дунё миқёсида миллий, диний адоватларни кўзғотувчи ҳаракат сифатида динлараро зиддиятларни келтириб чиқариш, тинч ва осуда ҳаётга таҳдид солиш орқали нафақат

<sup>15</sup> Колесниченко, Ю.В. Политические аспекты миссионерства в российском обществе в переходный период : на примере Приморского края : диссертация ... кандидата политических наук : 23.00.02. - Владивосток, 2008. - 213 с.

<sup>5</sup> Бердяев Н.А. О самоубийстве: Психологический этюд. М.: Изд-во МГУ, 1992. 24 с.

<sup>6</sup> Ўша асар.

жамиятда балки мамлакат миқёсида сепаратизмни келтириб чиқаришга интилаётганлигини бугунги кун бугунги давр биздан жиддий фикрлашни тақоза этмоқда.

## REFERENCES

1. Колесниченко, Ю.В. Политические аспекты миссионерства в российском обществе в переходный период : на примере Приморского края : диссертация ... кандидата политических наук : 23.00.02. - Владивосток, 2008. - 213 с.
2. Mukhammadsidiqov, M., & Turaev, A. (2020). Influence of us neoconservatism on formation of national security paradigm. *The Light of Islam*, 2020(3), 113-120.
3. Azimov, H. Y. (2021). Emergence Of New Threats To Turkey's National Security During The Syrian Crisis: "Euphrates Shield" Movement. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(01), 42-48.
4. Бердяев Н.А. О самоубийстве: Психологический этюд. М.: Изд-во МГУ, 1992. 24 с.
5. Muhammadsıdıkov, M. (2015). ÖZBEKİSTAN'DA TOPLUMSAL YAŞAMIN ANA ÖZELLİĞİ HOŞGÖRÜ . *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi* , 0 (54) , 7-14 . Retrieved from <https://dergipark.org.tr/en/pub/ataunisobd/issue/2811/37766>
6. Azimov, H. Y. (2022). Main Directions of Modern International Security Approaches. *International Journal of Social Science Research and Review*, 5(2), 151-157.
7. Мухаммадсидиков, М. (2009). Религиозная толерантность как главная черта общественной жизни Узбекистана. *Вестник Челябинского государственного университета*, (40), 69-72.
8. Madaminova, D. I., & Zilong, W. (2022). The Problem of Migration and Approaches to Its Study. *International Journal of Social Science Research and Review*, 5(1), 176-183.
9. Ravshanov, Fazliddin Ravshanovich, and Habibullo Yakubovich Azimov. "Danger and Security: History and Present." *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding* 8.4 (2021): 280-285.
10. Gündüz, Ş. (2002). Misyonerlik ve Hıristiyan misyonerler. *Dinbilimleri Akademik Araştırma Dergisi*, 2(4), 1-21.
11. Mukhammadolim, M. (2019). Problems of regulation of secularism and religious principles in Arab countries. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (4 (6)), 114-122.
12. Gündüz, Ş. (2007). Misyonerlik. *Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları*.

- 
13. Yakubovich, A. H. (2019). The emergence of the Syrian crisis and the impact of the external forces on it. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (4 (6)), 92-97.
  14. Mukhammadsidikov, M. (2016). The Evolution of Islamic Politicization Process. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 4.
  15. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
  16. Habibullo, A., & Durdona, M. (2021). Xalqaro xavfsizlik o'quv qo'llanma.